

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Тиббиёт Академияси**

Ўрта Осиёнинг қадимги байрам ва маросимлари

Маърузачи:

**1-сон тиллар, педагогика ва психология
кафедраси, доценти
Аслонов Акмал Субхонович**

АНЪАНА ВА МАРОСИМЛАРИМИЗ

Халқимиз тарихи ғаройиб воқеаларга жуда бой, маънавий мероси бекиёсдир. Келажакни яққолроқ тасаввур этмоқ, бўлажак воқеаларни аниқроқ башорат қилмоқ учун ўтмишимизни, тарихий анъаналаримизни яхшироқ билмоғимиз шарт.

Ханузгача яхши ўрганилмаган муаммолардан бири исломгача бўлган даврларда халқимизнинг маънавий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган халқ байрамлари, анъаналари ва маросимларидир. Бунинг теран илдизларини энг қадимдан, яъни Марказий Осиёда 500 минг йил аввалги палеолит даврдан излаш керак. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмида Марказий Осиёда ўтроқ деҳқончиликнинг ривож топиши, ибтидоий жамият емирила бориб, синфий жамиятнинг вужудга келиши, Суғд, Хоразм, Бактрия каби давлатларнинг пайдо бўлиши, диний қарашларнинг шакллана бориши ўша даврга хос анъана, маросим ва байрамларни тақозо эта бошлади.

Марказий Осиё, жумладан, ўзбек халқи маънавияти, анъана ва маросимлари илдизларининг қадимий эканлиги тўғрисида И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асарида ёзганидек: «Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди».

Қадим замонлардаёқ зардўштийликнинг ёйилиши натижасида (милоддан аввалги VII-V асрлар) диний фалсафий қарашга оид маросим ва байрамлар маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқала борди. Зардўштийликнинг муқаддас «Авесто» китоби ва унинг иккинчи «Виспарт» қисмида маросим кўшиқлари ва диний ақидаларга хос расм-русумлар баёни, тўртинчи «Яғт» қисмидаги зардўштийлик худолари ва маъбудаларга бағишланган 22 та кўшиқ каби манбалар диний маросим ва байрамларнинг ғоят ривожланганлигидан далолат беради.

Ўзбек халқи ўтмишини ўрганишда Абу Райҳон Беруний ўз асарларида туркий халқларнинг бир неча гуруҳларини - Мовароуннаҳр турклари (қорахонийлар), шимолий турклар (ўғузлар, қумоқлар, қирғизлар ва бошқалар), шарқий турклар ва Чу дарёси водийси, Хўтан, Тибет, Афғонистон худудида яшаган туркларни ҳам тилга олган. Бу асарларда қарлуқлар, печенек (бажанак)лар ва бошқа қабилалар ҳаётига оид материаллар ҳам учрайди. Олим «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида хоразмийлар, суғдлар, эронийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, насронийлар, хиндлар ва бошқаларнинг тақвимларидаги машҳур кунлар, ҳайитлар ва одатлар ҳақида бебаҳо тарихий-маданий бойлик қолдирган.

Муаллиф бу китобда хоразмликларнинг исломгача давридаги байрамларини икки турга бўлган:

1. Табиий воқеаларга бағишланган байрамлар — Йилбоши байрами (Наврўз), Очилиш байрами, Гулханда исиниш байрами, Ёғлик нон ёпиш куни, Мина кечаси (совукда қолиб ўлган аёл хотираси муносабати билан эрта баҳорда ўтказиладиган ҳайит) ва бошқалар.

2. Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда) — арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва бошқалар.

Маълумки, милoddан илгари Эрон, Суғд ва Хоразмда зардуштийлик тақвимида кенг фойдаланилган. Беруний ўз асарида бу халқларда йилнинг ҳар фасли, ҳар ойида байрам ва машҳур кунлар бўлганини кўрсатади. Масалан, «Фарвардин моҳ» - ёз боши, «Тир моҳ» - куз боши, «Меҳр моҳ» - киш боши, «Диний моҳ» - баҳор боши эди. Баъзи этнограф олимлар, жумладан Н.П.Лобачёвнинг фикрича, Марказий Осиёда йил боши қадимдан баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёзга - ёзги қуёшнинг тик тушиш кунига (ҳозирги 21-22 июнга) кўчирилган. Бироқ ой календарига ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз барабар бўлган кунга (яъни 22 мартга) кўчирилган. Марказий Осиё халқлари орасида исломгача бўлган диний эътиқодлар ўрганилганда, турли-туман қадимги диний эътиқодлар улар орасида кенг тарқалганлигини кўради. Ҳозирги кунгача аҳоли орасида ибтидоий диннинг анимизм, тотемизм, сеҳргарлик, шомонлик каби шакллардаги ранг-баранг диний эътиқодлар мажмуи ислом дини маросимлари билан қоришиб кетган синкретик дин шаклида сақланиб келаётганлигини кўрсатади. Булар - арвоҳ кутиш, худойи қилиш, пайшанба кунлари ўлганларга Қуръон бағишлаш, чироқ ёқиш, марҳумларга бағишлаб йил бўйи ўтказиладиган турли диний маросимлар, ҳайитлар арафасида қабристонга бориб марҳумларни йўқлаш ва қуръон ўқиш, чилтонларга атаб ош қилиш, кўчирик қилиш, кинна, дам солдириш, тумор тақиш, фол очиш, иситма-қайтарма, турли булоқ, дарахт, тош ва ғорларга, «пай- ғамбар» ва «авлиё»ларнинг қабрларига, «муқаддас» ва «қадамжо» жойларга, мазор, зиёратгоҳларга сиғиниш ва у ердаги дарахтларга турли латта-путталарни осиб қўйиш, азайимхонлик ва дуохонлик ҳамда «мушкул кушод» ўқитиш каби маросимлар бўлиб, бу диний маросимларнинг айримлари ислом маросимлари билан ёнма-ён яшаб келмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон худудида яшовчи халқларда жуда қадим замонлардан буён табиат кучларига ва диннинг қадимги шаклларига сиғиниш кенг тарқалган эди. Бу халқ дostonларида ҳам сақланиб қолган. Хусусан, «Ҳасан чопсон» дostonида «Ўчоқда ёниб турган олов урсин» деб қасам ичилиши, «Муродхон» дostonининг бош қаҳрамони дарёдан ўтишда сув пири - «Ҳуббига сиғиниши», Алпомиш ўз истаклари «амалга ошсин» учун Мурод тоғи чўққисига кўтарилиши фикримизнинг далилидир. «Ҳуббига сиғиниш», жумладан, «сувга ботганларни қутқариш, сўйилган хўкизларга жон бахш этиш» қадимги Хоразмда кенг русум бўлган эди. (К.Г.Залеман. Легенда о Хаким-ота, Известия АН.Т.ТХ, СПб.,1898, №2, С.П4). У ўз келиб чиқиши жиҳатидан мусулмонларгача бўлган маҳаллий диний афсоналарга тааллуқлидир.

Кўпгина халқ афсоналарида бутун борлиқда дастлаб фақат сув бўлган, олов ҳам, ер ҳам, одамлар ҳам ундан тарқалган, деб талқин қилинади. Шунинг учун қиёмат тўфони борлиқнинг асли - илк ҳолатига қайтиш ғоясининг ифодасидир. Бу тушунчанинг халқлар қарашларидаги ифодасини Д.Фрезер ўзининг «Тавротда фольклор» асарида кенг шарҳлаб берган.

Юртимизда мавжуд кўплаб зиёратгоҳ жойларнинг булоқ ё чашма билан боғлиқлиги, кишиларнинг хануз улардан шифо ва фарзанд истаб келишлари сувга топинишга эътиқод қилишнинг халқимиз тарихида нақадар ривожланганлигини кўрсатади. Туркийларда сув қадимдан барчага барабар, деб ҳисобланган. Шу боисдан ҳатто уч хонлик даврида ҳам ердан фарқли равишда сув умумхалқ мулки ҳисобланган. Фақат ундан тартибли фойдаланиш учун махсус мироблар тайинланган. Сувга топиниш маросимининг излари ўзбек халқ ижодида ҳам сезиларли равишда сақланиб қолган. Эртакларда ойна ташланса, дарё ҳосил бўлиб қолиши ана шу топинишнинг натижасидир. Қадим тасаввурларда сув ўз табиий хусусиятидан келиб чиқиб, кўзгуга ҳам тенглаштирилган.

Иқтидорли олим И. Ҳаққуловнинг кузатишларига кўра, «Авесто»да инсоннинг қон томирлари дарё ва ирмоқларга тенглаштирилган, А.Навоий ижодида сув Оллоҳнинг, яъни куёшнинг кўзгуси деб талқин қилинган экан.

Сувга топинишнинг маросим ва севги тушунчаси билан боғлиқлигини фол очишлар, иримларда ҳам учратамиз. Фолбинларнинг сувга қараб фол очишлари, «Тушингни сувга айт», деган мақолнинг тез-тез ишлатилиши, яъни тушни сувга қараб таъбир қилиниши, сув ҳаётда ҳам, тушда ҳам ёруғлик ҳисобланиши кўпдан маълум.

Туркий Халқларнинг ўтмишида ҳам, ҳозир ҳам никоҳ пайти келин-куёвга сув ичириш одати кенг тарқалган. Олим В.В. Радловнинг маълумотларига кўра, христиан динини қабул қилган сибирликлар келин-куёвга никоҳ сувини ичиришар экан. Ўзбекларда бу вазифани янгалар бажарса, Сибир туркийларида қайнота келин-куёвга никоҳ сувини ичираркан.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида сувга бағишланган одатлар, байрамлар ҳақида кўп тўхталган. Бундай одатлардан бири - баҳор-ёз байрамларида одамларнинг йил серсув, ҳосилдор бўлсин, дея бир-бирига сув сепишидир. Жумладан, олим қадимий Наврўз одатларининг бири ҳақида: «Шу куни одамлар бир-бирига сув сепишади», - деб ёзади ва сўнгра, - «Ёмғир ёғмагани . . . (бунга) сабаб бўлган», деб тушунтиради. Шуни таъкидлаш керакки, Наврўз куни одамларнинг бир-бирига сув сепиши форишликларда (Жиззах вилояти, Фориш тумани) яқин йилларгача сақланиб қолган эди. Ўзбекистон ҳудудининг лалмикор жойларида ҳатто сув сепиш одати асосида қадимда махсус уюштириладиган «Сув хотин» («Сусхотин») маросими ҳам шаклланган эди. Ёмғир чақириш мақсадида одамлар бир-бирларига сув сепиш каби афсунгарлик усулини қўллаганлар. Бу одатнинг қолдиқлари муайян даражада марказий ва жанубий вилоятларда яқин

вақтларгача сақланиб келинган. Бу одат Зарафшон водийсида «Сусхотин», Сурхондарё вилоятида «Бўзхотин», Қашқадарё вилоятининг айрим туманларида «Чайла қозоқ» деб аталади. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан, аجدодларимизнинг зйрдўштиийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Йилнинг ҳар бир фаслида ўзига хос байрамлар нишонланган. Жумладан, баҳор байрамлари деҳқонлар ҳаётидаги муҳим воқеа, яъни янги меҳнат мавсумини бошлашни ифодалаган. Шу боис деҳқонларнинг ерга уруғ қадашлари муносабати билан «Далага қўш чиқариш», «Шохмой», «Экин сайли», «Қўш оши» ва бошқа номларда маросимлар уюштирилган. Яна бир тадбир «Дарвишона» деб номланган. У юртда бирор офат юз берганда (масалан, касаллик тарқалганда, очарчилик бошланганда) ундан халос бўлиш ва бошқа ниятларда худога сиғиниш, яратгандан мадад сўраш мазмунида амалга оширилган. Ватанимизнинг жанубий ҳудудлари (Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларининг баъзи қишлоқларида) ўтказилган «Дарвишона» маросими эса деҳқонларнинг экишни бошлашдан олдинга ўзига хос сайили ва диний тадбири ҳисобланган. Эндиликда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманига қарашли Чияли қасабасида ва бошқа жойларда бу маросим замон руҳига мос ҳолда ўтказилмоқда. «Дарвишона» маросими ҳақида турлича фикрлар мавжуд: баъзилар уни соф диний одатлар қаторига қўшишса, бошқалар одамларнинг орзу, эзгу ниятларини ифода этадиган, масъулиятли юмуш бошлаганда ёки офат содир бўлганда барчани ҳамжиҳат қилиб яхшиликка чорлайдиган қадимдан сақланиб келаётган халқчил маросимлардан биридир, дейишади.

Ўлкамизда баҳор фасли маросимлари ва байрамлари орасида табиатнинг энг гўзал неъматигулга бағишланган сайллар алоҳида ўрин тутган. Хусусан Фарғона водийсида «Лола сайли», Наманганда «Гул байрами», Зарафшон водийсида «Бойчечак гулгардони», Бухорода «Булбул қўшиғи», Қашқадарё ва Сурхондарёда «Сунбула сайли», «Қизил гул сайли» каби байрамлар уюштирилган. Деҳқонларимизнинг ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни йиғиб олиши билан бевосита ўтказиладиган байрамлар орасида қадимдан то бизнинг давримизгача етиб келган «Қовун сайли», ғаллакорлар томонидан нишонланадиган «Она буғдой», «Хирмон тўйи», «Ҳосил байрами» ва бошқалар алоҳида диққатга сазовордир. Фольклоршунос олим Б. Саримсоқов қуйидагиларни баён қилади: Маҳсус ҳолида боғланган охириги тутам буғдой «Она буғдой» деб аталиб, у уйга олиб кетилган ва то баҳоргача сақланган. Баҳорда унинг бир қисмидан нон (патир) ёпилади ва далага дон сепишга чиққан деҳқонларга улашилади. Иккинчи қисмидан эса уруғлик дон сифатида фойдаланилади. Ғаллакорлар «Она буғдой» донидан тайёрланган нонни еб: «Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлсин, она буғдой ўзи қўлласин, бободехқон мададкор бўлсин!» дея дуо қиладилар ва қолган донни биринчи уруғлар сифатида ерга сепишади.

Қиш фаслида «Биринчи қор» («Қор ёғди», «Қор хотин») маросими ҳам кенг тарқалган. Қадимдан биринчи қор ёққан кун қорхат ёзиш оммавий тус

олган, далаларда қор отишлар, ўйин-кулгилар, совға-саломлар ва зиёфатлардан ташкил топган халқ байрами вужудга келган.

Марказий Осиёда кенг тарқалган шомончилик ҳам халқнинг ҳаёт тарзи, турмуши билан узвий боғлиқдир. Ота-боболаримиз ёрдамчи руҳлар, парилар мавжудлигага, шунингдек, дев ва жинслар, шайтонларнинг борлигига қаттиқ ишонишган. Ишонибгина қолмай, балки амалда улар билан иш қўришган. Шомонлар руҳларни бемалол чақириб, маълум бир мақсад йўлида хизмат қилдиришган ёхуд улар ёрдамида кишиларнинг мақсад-ниятларини, бошқа жойларда кечган ёки бўлғуси воқеаларни билиб олганлар. Аслида азиз-авлиёлик ҳам шомонликка, руҳлар билан мулоқот қилишнинг сиру синоатига боғлиқдир.

Афсунгарлик усуллари билан боғлиқ тошлар ҳақида ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади. Хусусан, кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқлар афсунгарлик билан боғлиқ ғалаба келтирувчи, шифобахш, ёмонликлардан асровчи ва бошқа таъсирларга эга бўлган тошлардан ўз амалиётларида кенг фойдаланганлар. Жумладан, туркий халқлар ферузани қимматбаҳо ва зафар тоши деб ҳисоблашган. Кураш ва жангда ғалабага эришиш мақсадида ана шу тош билан ханжар, эгар, тасмаю белбоғларни безашган.

Маълумки, туркий халқлар ўртасида исломгача кенг тарқалган динлардан бири зардўштийлик динидаги асосий эътиқод оловга сиғинишдир. Оловга инсонни ҳар қандай гуноҳлардан тозаловчи куч деб қаралган. Шунинг учун ҳам бу динга ишонувчилар «оташпарастлар» деб ҳам аталади. Демак, олов билан боғлиқ маросимлар ва байрамлар аста-секин оммалашиб кетишининг туб сабаблари ҳам ана шу тарихий босқичга бориб тақалади.

Агар баҳор сўнги ва ёзда сувга эътиқод қўйиш одатлари кенг тарқалган бўлса, кеч куз, қиш ва баҳорда уюштирилган барча байрам ва маросимларда гулхан ёқиш русум бўлган. Зардўштийлик ҳайит ва маросимларини ўтказиш учун доимо ўт ёниб турадиган оташхоналарга тўпланишган.

Сўғд халқлари еттинчи ойнинг биринчи кунини «ним сарда», яъни «йил ярми» деб, иккинчи кунини ҳайит сифатида нишонлаганлар. Шу куни улар «Оташхоналарга йиғилиб, қўноқ уни, ёғ ва шакардан тайёрланган овқат ейдилар». Ҳолвайтарга жуда ўхшаб кетадиган бу овқат хозпр қўноқ унидан эмас, балки оддий бугдой унидан асосан аза маросимларида тайёрланади. Шу кунни хоразмликлар «ёғ аралаштириб ёпилган нон тановвул қилиш куни», дейдилар. Маълумки, патир нон билан мойли кулча, одатда, тантанали кунларда - тўй ва ҳайитларда ёки азиз меҳмон ташриф буюрганда тайёрланган.

Зардўштийликнинг энг йирик байрамларидан бири «Сада» бўлган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонида тасвирланганидек, у оловнинг кашф этилишига бағишланган байрам ҳисобланади. «Сада» Эрон Куёш таквимиининг ўн биринчи ойи бахманнинг 10-кунида байрам қилинган. Бунда одамлар олов ёқиб, қиш захрини даф этиш учун тутатқи тутатадилар. Ҳатто ўша кеча олов ёқиб алангалатиш, ичига ёввойи ҳайвонларни ташлаш, алангалар орасида паррандаларни учуриш ва олов атрофида ичимликлар ичиб, ўйин-кулги қилиш шоҳона маросимларга айланган.

Ўзбеклар ва Марказий Осиёдаги бошқа халқларнинг тарих синовидан ўтган байрам ва маросимлари кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги яхши фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради. Ижобий урф-одат ва маросимларда ўзбекларнинг миллий руҳияти, улар маънавий онгининг соддалиги ва феъл-атворининг шакллари ҳам намоён бўлади. Асрлар давомида шаклланиб ва авайланиб келинган расм-русумлар, удумлар ва одатлардан Ватанга садоқат, ёши катталарга ҳурмат, ота-онага, етимларга, муҳтожларга ва қарияларга ғамхўрлик, меҳмондўстлик, қон-қариндошлик, ўзаро ёрдам, оила шарафини ва аёллар шаънини эҳтиётлаш, ҳаётдан кўз юмган яқин-узоқ кишилар хотирасини ёд этиш кабилар ижтимоий характерга эга бўлган байрам ва маросимларда очиқ намоёиш қилинади.

Ўзбек халқи орасида энг кенг тарқалган, миллий тусга эга бўлган урф-одатлардан мавсумий маросимлар диққатга сазовордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ўзбек мавсумий маросимларни қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин: 1) қишда ўтказиладиган гап-гаштак, ясан-юсун кабилар; 2) баҳорги маросимлар Наврўз, шохмой (кўш чиқариш), лола ёки қизил гул сайли, «Сусхотин» кабилар; 3) ёзги маросимлардан «Қовун сайли», «Чой момо» кабилар; 4) кузги маросимлар ҳосил йиғими билан боғлиқ Меҳржон, «Оллобарака», шамол чақириш, узум сайли кабилар.

Исломгача мавжуд анъаналарнинг аксарияти соф диний хурофотдан иборат бўлмаган, улар моддий оламнинг муайян қонуниятлардан келиб чиқадиган воқеа-ҳодисалар билан бевосита боғланади. Чунончи, юртимизда кенг тарқалган Навруз йилнинг баҳорги тенг кунлигига тўғри келади. Тарихий манбаларнинг хабар беришига қараганда, у қадим-қадим замонларда, яъни милoddан аввалги I минг йилликда ҳам нишонланган. Ҳозирги кунда шу байрам ўзининг объектив тарихий замини бўлганлига учун ҳам яшовчан ва қадрлидир. Наврўз ҳақида энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар шарқ ёзма манбаларида - Фирдавсийнинг (934-1025) «Шохнома» достонида, буюк олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) нинг «Китобаш тавҳим» («Тушунтириш»), «Қонуни маъсудий», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» номли китобларида баён этилган.

Наврўзнинг қадимийлиги ҳақида кўплаб ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, бу байрам аҳомонийлар давридан (милoddан аввалги 558-330 йиллар) бошлаб одат тусига кирган. Фирдавсийнинг «Шохнома» достонида Наврўз қаҳрамон Сиёвуш шахси билан боғланган. Сиёвуш ўлимидан сўнг, Бухоро оташпараствлари унинг қабри жойлашган масканни азиз тутганлар ва ҳар йили бир марта унга атаб хўроз сўйишган. Бу одат тусига кириб, Наврўз тарзда нишонланишига сабаб бўлган. Бухорода Сиёвушга аталган маросимларни «Оташпараствлар йиғиси» деб ҳам аташади.

Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, Наврўз деб аташнинг сабаби шуки, Жамшид подшоҳ бўлгач, маъжусийлар динини янгилашган ва шу кунни

«Наврӯз», яъни «Янги кун» деб аташган. Умар Хайём ҳам «Наврӯзнома» асарида бу айёмнинг нишонланиши подшоҳ Жамшид даврида бошланганини эслатиб ўтади. «Кимки Наврӯз куни байрам қилиб қувонса, кейинги Наврӯзгача хуррам бўлади ва фароғатда яшайди», — деб ёзади Умар Хайём.

Араблар истилосидан бурун ҳам «Наврӯз» халқимиз томонидан кенг байрам қилинган. У билан боғлиқ ҳолда ўтказилган ҳар қандай маросимнинг динга алоқаси бўлмаган. Беруний «Қадимги халқлардан ёдгорликлар» асарида ёзишча, Наврӯз анъанаси ислом ақидаларига зид қўйилмаган. Наврӯз байрами кўпгина халқлар орасида кенг тарқалган ва ундаги удумлар кишиларнинг бевосита кундалик турмуш эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб, кўп қисми исломга зид эмасди. Бироқ араблар ўлкамизда ҳукмронлик қила бошлагандан сўнг, Наврӯзнинг нишонланишига қарши туришган ва уни ўтказишни расман тақиқлаб қўйишган. Негаки, араблар Наврӯздек қадимий байрамлар баҳонасида халқларнинг аста-секин тил топишиб, қачонлардир бирлашиб истибдодга қарши бош кўтаришидан хавфсирашган. Байрамнинг ислом динига мос келмайдиган яна икки жиҳати уларга ёқмаган: марҳумларни эслаб шам ёқиш ва шарбат ичиш. Лекин халқ бундай тақиқларга қарамай Наврӯзни хурсандчилик билан кутиб олаверган.

Наврӯз байрамларида ислом маросимларини ўтказиш ҳам аста-секин одат тусига кириб борган. Эски мактабларда байрам муносабати билан махсус маросим ташкил этилиб, талабаларнинг ота-оналаридан Наврӯз ҳайитлиги, яъни пул ёки совға-салом олишган. Садриддин Айийй ўзининг «Эсдаликлар» асарида ёзганидек, «Ислом уламолари бу байрамдан ўз манфаатларини кўзлаб, унга диний тус берардилар, жумладан, Қуръон оятларидан «Ҳафсалом» (Етти салом)ни ёзиб олиб, туршак сувига эзиб ичиришар ва бунинг эвазига пул ундиришарди.

Наврӯзда пишириладиган ҳосил таоми сумалакни ҳам Биби Фотима таоми дея эълон қилганлар. Умуман, Наврӯзни аста-секин диний унсурлар билан бойитиб, уни ислом байрамига айлантиришга муваффақ бўлганлар. Шунинг учун ҳам Октябр инқилобидан сўнг дин давлатдан, мактаб диндан ажратилгач, Наврӯз Туркистон ўлкасида диний маросим сифатида тақиқланган.

Йиллар ўтиши билан Наврӯз аста-секин дин таъсиридан халос бўла борган. Бу ишни халқнинг ўзи ҳеч қандай фармонсиз, буйруқсиз амалга ошириб, ўзининг кўхна маданиятини тиклаган ва уни замонавий мазмун билан бойитган. Наврӯз халқ байрамларининг энг муҳими бўлиб, баҳорда ўтказилиши жуда рамзийдир. Наврӯз байрами деҳқонлар учун катта аҳамият касб этган. Чунки шу куни қизгин экин-тикин, дала-боғ ишларини бошлаб юборишган. Деҳқонлар, боғбонлар, чорвадорлар қишнинг рутубатли кунларидан омон-эсон чиқиб, баҳорнинг илиқ кунларини хурсандчилик билан кутиб, деҳқончилик ишларига жиддий тайёргарлик кўришиб, ариқ-зовурларни тозалашган. Ер ҳайдашда асосий куч бўлган ҳўкизларини парваришлаб, шохларини мойлаб, катта ерга олиб чиқишга ҳозирлашган. Шогирдлар устозларидан, табаррук кексалардан «Оқ фотиха», «Оқ йўл» олишган.

Фарзандлар марҳум ота-оналари, яқинларини зиёрат қилишган, қариндош-уруғлар, дўстлар бир-бирларидан хабар олишган, кексалар ва касалларни кўнглини сўрашган. Ўзига тўқ оилалар мусофир, бева-бечораларга совғалар беришган. Катта қозонларда ош дамланиб, сайллар, улоқ чопиш, кураш, мерганлик-камон отиш каби ўйинлар уюштирилган. Хуллас, бу байрамдан ҳеч ким четда қолмаган.

Беруний асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»сида ва бошқа манбаларда илк баҳор байрамини нишонлаганда ерга уруғ қадаш ёки сепиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, арғимчоқларда учиш, ширинлик (қандолат) тарқатиш, етти йил ҳосилини бел-гилаш, таҳорат қилиш, ёмғир сувига чўмилиш каби урф-одат ва иримлар тўғрисида хабар берилади. Наврўз байрами катта ом-мавий сайллар, халқ ўйинлари, мусобақалардан иборат бўлиб, у созанда ва раққосалар, масхарабоз ва дорбозлар иштирокида ўтади. Умар Хайём берган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, Наврўз байрами бошланиши билан ўзаро урушлар тўхтатилган, яраш шартномалари битилган, ҳатто дафн маросимлари бошқа кунга кўчирилган. Бу байрам шунчаки эҳтиромли, қувончли ва шодлик кунлари сифатида тантана билан нишонланибгина қолмай, узоқ-яқин кавму қариндош ва дўстларни йўқлаш, касаллар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш, дўстлараро садоқатликни билдириш, инсон қадрини эъзозлаш каби одатларга амал қилинган.

Наврўзнинг бошқа баҳор фасли байрамларига анча яқинлиги диққатга сазовордир. Этнографларнинг берган хабарларига қараганда, Паркент, Самарқанд ва Хоразмда ўтказиладиган лола сайли, сайли Гулисурх ёки қизил гул сайиллари асли Наврўз маросимларига анча ўхшаб кетади. Бундай байрамлар март (ҳамал) ойида нишонланиб, бир ойгача давом этади. Сайл вақтида катта бозор уюштирилади. Бозор майдонида масхарабозлар, дорбозлар, созандалар, полвонлар томоша кўрсатганлар, кўчқор, туя, хўроз, бедана ва тухум уриштиришлар ўтказилган.

Наврўз ҳам асли деҳқончиликка узвий боғлиқ бўлган ва унга тайёргарлик ишлари билан бирга олиб борилган. Ҳозиргача Наврўзга ҳозирлик кўриш дала ишларини ўтказиш тадбирлари билан бирга уюштирилади: боғ-роғларга гул ва кўчатлар ўтказиш, далаларни экинга тайёрлаш, агротехника ва моддий ресурсларни тахт қилиш, маҳаллий ўғит тўплаш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби ишлар бажарилади. Бундай ишларга якка хўжаликларнинг қудрати етмаганлигидан бутун қишлоқ ёки туман аҳли билан ҳашар ёрдамида амалга оширилган. Мана шу пайтда Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон водийсида лой тутиш, Хоразмда қазув маросимлари ўтказилган.

Бироқ 80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда баъзи раҳбар шахслар Наврўзни халқ байрами сифатида нишонлашга тўсқинлик қилишди. Шу сабабли бир неча йиллар мобайнида оммавий ахборот воситалари бу байрамнинг аҳамияти тўғрисида холис фикр билдирмадилар. Айримлар Наврўз ўрнига апрель ойининг бошида «Навбахор» номли янги халқ байрамини жорий этишни таклиф қилишди. Бу масалалар қаттиқ тортишувларни юзага келтирди. Илғор фикрли олимлар, ёзувчилар ва маданият ходимлари Наврўз қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканини, унинг моҳияти дин билан эмас, табиат қонуниятлари билан боғлиқлигини ва уни энг яхши анъаналар асосида тараққий эттириш лозимлигини ҳимоя қилдилар. Натижада Наврўз ҳақиқий халқ байрами сифатида янада кенг нишонланадиган бўлди. Халқ маросимларини қайтадан тиклаш ва республика ҳудудида ҳар йили 21 март кунини дам олиш ва Навруз байрами айёми сифатида кенг нишонлашга қарор қилинди. Шунга мувофиқ республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида «Наврўз» байрамини кенг нишонлаш юзасидан тadbирлар белгиланди.

Эндиликда Наврўз байрамини ўтказиш маросимлари замон руҳига мослаб ўзгартирилмоқда ва қадимий анъаналарнинг моҳиятини сақлаган ҳолда янги мазмун ва замонавий белгилар билан бойитилмоқда. Ҳозирги вақтда Наврўзнинг рамзий тимсолини гавдалантирувчи «Баҳорой» байрамнинг асосий қаҳрамони ҳисобланади. Одатда, Наврўз келиши билан Баҳорой безатилган очиқ машинада маҳалла ва кўча-кўйларни карнай-сурнай садолари остида айланиб чиқади. У ўлкага баҳор кириб келгани билан аҳолини табриклайди, ҳаммани Наврўз байрами тантаналарига таклиф қилади. Жойларда ўйин-кулгилар уюштирилади.

Бугунги кундаги Наврўз байрамининг ғоявий мазмуни, биринчидан, халқимизнинг меҳнат фаолияти билан боғланиб келган ёрқин ва кўп қиррали интилишларига, орзу-умидларига асосланганидир; иккинчидан, халқнинг турмуш тарзи, миллий руҳи, халқ санъатининг ажойиб шакллари ва турлари, турли мусобақалар билан эътиборни жалб этувчи бу байрам халқнинг маънавий турмушини бойитишга, янгилашга, халқимизнинг гўзал анъаналарини сақлашга хизмат қилмоқда; учинчидан, Наврўз байрамини ўтказиш ёш авлодни тарбиялашда, халқимиз ижодиётининг энг яхши намуналари мисолида улар дунёқарашини шакллантиришда, миллий ўзликни англашда катта аҳамият касб этади.

Марказий Осиё халқлари қадимдан нишонлайдиган байрамлар фақат ҳар фасл хусусиятини акс эттириб қолмай, асосан, халқ фаолиятини ҳам мадҳ этишга қаратилган. Хусусан, исломгача бўлган кузги байрамлардан бири «Меҳржон» бўлиб, Берунийнинг ёзишича, «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидан, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир». Демак, «Наврўз» баҳорда кун ва туннинг баравар келишида нишонланса, «Меҳржон» куздаги бу ҳолатни нишонлайдиган байрам бўлган.

Исломгача бўлган давр Марказий Осий халқларида байрамлар коинот, табиат, йил фаслларига боғлиқ равишда шаклланган. Бинобарин, баҳорги «Наврўз» билан бир қаторда ёздаги «Ангом ҳайит», куздаги «Меҳржон», қишдаги «Сада» кабиларни, бизнингча, ҳозир ҳам байрам сифатида нишонлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки булар кишиларни она табиатга қайтаради, табиат бойликлари, гўзалликларини тушуниш ва қадрлашга ўргатади. Авлодларимиз турмуш тарзига синган ва бизгача етиб келган анъана ва одатлар заминига фақат эзгулик, яхшилик уруғи қадалган. Ҳар бир маъракада, машваратда элнинг бағри бутунлиги, оғиз бирлиги мақсад қилиб қўйилган. «Маҳалла - ватаннинг остонаси» деганларидек, бу ердаги жамоат бўлиб бажариладиган барча юмушларда ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ҳукм сурган ва ишлар тартибли бажарилган. Бундай ҳамжиҳатликнинг илдизлари ҳам исломдан олдинги даврларга бориб тақалади ва бугунги кунда дунёдаги барча халқлар ҳавас қилса арзийди. Ака-укалик, биродарлик, ҳамдардлик, ҳар бир кишининг мушқулини ўз юрагига яқин олиш ўзбек халқига хосдир. Кишилар бошига қийинчиликлар тушганда уларга пешвоз чиқиш, ғамига шерик бўлиш, қўлидан келганча ёрдам бериш, меҳр-шафқат кўрсатиш, гинадоватларни кечиришга қодир бўлиш ўзбек халқи асрий анъаналарининг таркибий қисмидир.

Кексаларни зъозлаш ўзбек халқида қадимдан мавжуд. «Кексалар йўли ёшларга кўприқдир» деган ҳикматли сўз бор. Алломаларимиз ёши улуғларни, падари бузрукворларимизни ҳурмат қилиш ҳам фарз, ҳам қарз деб таълим берган эдилар. Оқсоқолларни эҳтиром этиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларини қабул қилиш, тарихий ришталарини сақлаш - ворисийликни тан олиш демакдир. Уларнинг ахлоқ, одоб, инсоф, имон, виждон ва диёнат хусусидаги сабоқларининг ўрнини бошқа бирон-бир тарбия тулдира олмайди.

Нонни эъзозлаш халқимизнинг қадимий анъанасидир. Шу сабабли ҳам «Нонга зътибор элга эътибор» деган ҳикматли сўз бор. Ҳар бир оила болани ёшлигидан нонни эҳтиёт қилишга, ушоғини ҳам увол қилмасликка ўргатади. Меҳмон учун биринчи галда нон ушатилади. Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг қаерига борманг, кўчадан ўтиб кетаётганланишингиз уйига таклиф этиб, «нон еб ўтинг», деб илтифот этади. Уйига киришга иложи бўлмаган кишига нон олиб чиқиб кўнглини хушнуд этишга ҳаракат қилади. Чакалоқ ёстиғи тагига у бадавлат бўлсин деб, нон қўйишади. Сафарга кетаётган одамга ҳамроҳ бўлсин, деб нон беришади.

Ўзбекистондаги дафн ва хотира билан боғлиқ анъанавий урф-одатлар исломгача бўлган тасаввурлар билан боғланиб кетади. Қадимги аجدодлар ҳам вафот этганларни турли хилда дафн этганлар. Археологик кашфиётларга қараганда, қадимга Хоразм, Суғдиёна ва Бактриядаги ўтроқ аҳоли, даштли сак, массагет ва бошқа қабилалар мурдаларни озиқ-овқат, зарур қурол ва буюмлар билан ҳар хил усулда дафн этишган, баъзан куйдирганлар, жасад суякларини махсус идишларга солиб сағаналарга жойлаштирганлар. Дафн этишнинг оссуария маросими, яъни мурдани тозалаш учун чиқариб қўйиб,

кейин суяклардан суякхона-оссуарияларга кўмиш кўпроқ тарқалган. Хоразм худудида дафн этиш маросимларида зардўштийлик ҳукмрошшигидан дарак берувчи турли дафн ёдгорликлари: оссуар қабристонлари, хонадон оссуар омборлари, мурда этини парранда ва ёввойи ҳайвонларга едириш жойлари, дафн этиш ибодатхоналари топилган. Шунинг учун бўлса керак, бундай қабристонлар катта майдонларни эгалламаган. Шунингдек, бундай қабристонлар истиқомат жойларига яқин бўлган ва бу уларни тоза тутиш мақсадида қилинган. Бунинг маданиятга таъсири шундаки, у ўтмиш авлодларимизнинг пок руҳларини ёшлар қалбида муносиб сақлаши, авлодлар тизимида доимийликни таъминлайди.

Йилнинг муайян кунларида қабристонларга чироқ, ёғли чалпак билан бўғирсоқ пишириб, ис чиқариб, марҳумларни тавоф этиш қадимий одатлар қаторига кириди. Ота-оналар билан ёшлар қабристонларга бориб ўз авлодларини мунтазам равишда зиёрат этиб туришган ва бу доимий одат тусига айланган. Шу тариқа марҳум руҳини шод айлаш, унинг маъракаларига фаол қатнашиш ўзбек халқи ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган. Инсон ўзининг оғир кунларида мадад истаб қавму қариндош ва дўсту биродарларининг ёрдамига муҳтож бўлиб келган. Маълумки, ўзбеклар имконияти борида бири-бирига яқин жойда уй-жой қуришни, қавму қариндошлар ёнма-ён жойлашишни одат қилиб келганлар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача узок ўтмишдан қолган қавму қариндош (патронимия)лар гуруҳлари кўп жойда сақланиб келмоқда. Бундай ҳолат, айниқса, оилавий-маиший тадбирларни, урф-одат ва маросимларни ўтказишда катта роль ўйнайди. Хусусан, дафн маросимини ўтказиш кўп одамларнинг иштироки билан маҳаллачилик ва қавму қариндошлик анъаналарига таянади.

Дафн маросими асосан ўзининг қадимий кўринишларини сақлаб қолса-да, у ислом дини қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказилади. Асли бундай урф-одатлар ниҳоятда мураккаблашган турли удум ва иримлардан иборат бўлиб, унинг илдизи ибтидоий анимистик тасаввурларга бориб тақалади. Ҳозиргача амал қилинадиган марҳумнинг учи, еттиси, йигирмасы, қирқи, баъзи ерларда юзи, йили билан боғлиқ ва бошқа кўпдан-кўп расм-русумлар, айниқса, ҳар хил худойилар энг ибтидоий диний тасаввуфларни ўзида мужассамлаштирган. Кейинги вақтларда аҳоли ўртасида янгича дафн этиш маросими жорий этилди. Бунга кўра, фуқаролик митинги (йиғилиши)ни ўтказиш, меҳнат жамоаси, жамотчилик вакиллари ва дўсту биродарларнинг таъзия нутқи, марҳумнинг хотирасини абадийлаштириш, қабр тоши ўрнатиш кабилар одат тусига кириб бормоқда.

Афсуски, мустақиллик қўлга киритилгунча кўп миллий анъаналаримиз таҳқирланди, жуда кўп халқона диний урф-одатлар ва байрамларга менсимай қаралди. Шу жиҳатдан олганда кўп калтафаҳмликларга йўл қўйилди. Ҳатто «жигари»дан жудо бўлиб, унинг жанозасида иштирок этганлар партиявий жазо олишди. Ота-онаси ёки яқин кишининг тобутини елкасига ололмаганлар қанча? Ахир, инсон билан сўнгги бор видолашиш ва унинг ҳурматини,

иззатини сўнги бор бажо келтириш халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан бири эмасми?

Маҳаллаларда бирон киши вафот этса, тамомила бегона одамлар тўпланиб, уни қабристонга елкаларида кўтариб борадилар. Ёки кўчада тобут кўтариб кетаётган одамларни кўрган йўловчиларнинг бир зум тўхтаб, етти қадам бўлса ҳаммарҳумга ҳурмат бажо келтириш учун тобутни елкаларига олиш мақсадида югуриб борётганини кўрганмисиз? Бунақа одатларимизнинг ибратли томони бениҳоядир. Инсон кадр-қиммати ва унга бўлган ҳурмат олдида бунчалик тавозе билан одоб намунасини кўрсатиш авлодлардан авлодларга ўтиб келмоқда, унинг диний сарқит ёки онгсизлик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, аксинча юксак онглилик ва маданиятлилиكنинг, инсонга чексиз меҳрнинг белгисидир. Бундай инсонпарварликни улуғловчи одатларимиз миллий ифтихоримиз ва юксак қадриятларимиз бўлиб, уларни эъзозлашимиз ва ривожлантирмоғимиз даркор.

Диний тасаввурлар ва расм-русумларнинг оммавийлашиб, миллий турмуш тарзимизнинг ажралмас бир бўлагига айланишига сабаб, бизнинг фикримизча, уларнинг инсон руҳиятига таъсири, хаста кўнгилларга мадад, бесабр бандаларга тоқат тилаш билан изоҳланади. Ҳар бир инсон бошига ҳаётнинг энг оғир кулфати - ўлим тушганда унга руҳий мадад, тасалли бериш учун дин аҳлларида тортиб қўни-қўшниларгача келишади. Диний эътиқод қариндош-уруғчилик, таниш-билишчилик ёки мансаб, шуҳрат танламайди. Халқимиз ҳайит кунлари ёки бегим кунлари қайси эшик ёки дарвоза олдида ўриндиқлар қўйилиб, кўрпача тўшалган бўлса, шу хонадон жудо бўлган кимса ҳурмати бажо келтириб ўтишни ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Диннинг ана шундай тарбиявий аҳамиятини тўғри тушуниб етишга катта аҳамият бериляпти, дин аҳлларида одамларни ҳамжихатликка, биродарликка, самимият ва покликка ундашлари жамиятимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Диннинг ижтимоий ҳодиса сифатида одамлар тотувлиги, тинчлиги ва одоби учун олиб бораётган илғор фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда, одамларнинг дунёвий тасаввурлари ҳаққониятни ҳам унутиб қўймаслигимиз лозим.

Ўзбек оилаларининг энг ажойиб тарихий анъаналарни ичида бола тарбияси алоҳида ўринни эгаллайди. Бола тарбияси оиланинг бош вазифаси ҳисобланади ва у нафақат оилада, балки жамият ҳаётида ҳам муҳим бўлганлиги туфайли давлат ва жамоатчилик томонидан фаол бажариб келинган ва келинмоқда. Қадимдан ўзбекларда ёшига, жинсига ва табиатига қараб бола тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Масалан, ўғил болаларга ёшлигидан оталар уруғининг давомчиси, меросхўри, оила ор-номуси ва ифтихори, ҳимоячиси сифатида қаралиб, қизларга нисбатан устун турадиган эркаклик фазилатлари улар онгига сингдирилган, қизларга эса бўлажак она ва уй бекаси вазифасини адо этувчи шахс сифатида тарбия беришган. Аста-секин вояга етиши билан ўғил бола ота таъсирида, қиз бола она таъсирида муайян тартибларга ўргатила бошланган. Одат бўйича болалар 6-7 ёшидан меҳнатга ўргатилиб, даставвал енгил ишларни, 10-12 ёшидан бошлаб оғир хўжалик ишларини бажара бошлаганлар. Бола тарбиясига ота-она ва

жамоатчилик алоҳида эътибор берган, айникса, уларнинг одоб-икромли бўлиши кўпчилиكنинг диққат марказида турган.

Оила, мактаб, маҳалла болаларнинг ўзаро яқинлашиши ва жипслашиши учун қулай шароит яратиб беради. Уларнинг ахлоқий жиҳатдан камол топишида, ўзаро дўстлик ва биродарлик муносабатларини мустаҳкамлаш, ота-она ва катталарга ҳурмат, меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш ҳамда бошқа одоб-икром масалаларини маҳалла ёки қишлоқ томонидан назорат қилиниши ўзбек халқининг энг яхши анъаналаридандир. Шунинг учун ҳам боланинг туғилишидан (фарзанд тўйи, бешик тўйи, суннат тўйи) то уйланишигача (унаштириш, фотиҳа қилиш, никоҳ тўйи) бўлган барча удумларнинг бевосита жамоатчилик иштирокида ўтказилиши этник гуруҳлар ўртасида энг зарур бўлган миллий бирликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Кейинги вақтларда деярли барча оилаларда оила аъзоларининг туғилган кунини, янга йилни нишонлаш, ўрта ёки олий ўқув юртини тугатиш, мукофот олиш ёки диссертация ҳимоя қилиш ва бошқа оилавий хурсандчиликлар муносабати билан баҳоли қудрат зиёфат бериш русум бўлди.

Халқимиз маънавий қадриятларининг яна бир қудратли манбаи анъанавий оила ва қариндошчилик муносабатлари одобидан иборатдир. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, келажак авлод ҳақида ғамхўрлик ҳамиша унинг асосий қоидалари бўлиб қолган. Афсуски, бу қадриятларга ҳам совет ҳокимияти йилларида жиддий зарар етди. Шўро тузуми хусусий тадбиркорликни таъқиқлаб, ўзига яқин қариндошларни қўллашга қарши кураш баҳонасида оилалардаги ва қариндош-уруғ ичидаги касбий кўникмаларнинг сулоалаларга мерос бўлиб ўтишини йўққа чиқарди. Оилалар ва уруғларнинг анъанавий касбий ҳамда иқтисодий «ўрни» йўқотилишига сабаб бўлди. Оқибатда бу кўникмалар ва ахлоқий нормалар тўсикка учради.

«Оила қадриятлари ва қон-қариндошлик муносабатларининг қайта тикланиши, ўз умрини яшаб бўлаётган оила-уруғ муносабатларини абадийлаштиришни эмас, балки ҳар бир оиланинг иқтисодий, маданий ва касб жиҳатидан эркин бўлиш имкониятини англантиши лозим».

Ўзбекистонда истиқлол туфайли халқимиз байрамларини тиклаш, унинг ажойиб, бой анъаналарини ривожлантириш вақти келди. Халқимизнинг бой анъана ва урф-одатлари жамиятнинг кундалик ҳаётида тўла-тўқис рўёбга чиқарилди, дея олмаймиз. «Қизил гул», «Лола сайли», «Бойчечак» каби анъанавий байрамларни ўтказиш удумга айланганича йўқ. Халқимиз ўртасида қадимдан кенг тарқалган, аммо ҳозир қарийб унутилаётган анъаналаримиздан бири - «Меҳржон» байрамидир. У йилнинг кузги тенг кунлигига тўғри келиб, пишиқчилик айна авжига чиққан кузнинг сахий дастурхони шаънига айтилажак шукрона каби эъзозлидир. Республикамизда атрофлича тарғиб этилган бу байрамни элимиз жамоатчилиги, кенг оммаси мамнуният билан қабул қилди ва нишонлади.

Бундан ташқари, «Ўқиш байрами» (қадимий номи «Сада»), «Сув сайли», «Анор сайли», «Қовун сайли», «Узум сайли» каби байрамларимиз ҳам илгаридан нишонланиб келинган. Бу байрамлар тўкин-сочинлик, фаровонлик, тинчлик, осойишталик рамзи сифатида халқнинг эзгу орзу-

умид, тилак-истаклари, интилиш ва режаларининг ифодаси ўлароқ яшаши ва ривожланиши керак.

Миллий руҳимизни кўтариш, аجدодларимизни танишимиз, келгуси ва ҳозирги авлодни тўғри тарбиялаш лозим. Одамлар ўз қадриятларини англашлари, фақат моддий эмас, маънавий бойиш ҳукуқига эга бўлишлари, ўзларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини, одамийликларини чуқур ҳис қилишлари, миллий ўзликларини англашлари зарур. Миллий ўзликни англаш эса - миллатнинг жипслиги ва бирлигини таъминловчи, миллатнинг ўзи мавжудлигини англашга хизмат қилувчи омилдир.

Одамларда, айниқса, ёшларда юксак маданиятли миллий муносабатни шакллантириш ва миллий ўзлигини англаш учун биз халқларда неча асрлар давомида қарор топган илғор анъаналардан, урф-одатлардан, халқ ва диний қадриятлардан ва хусусиятлардан моҳирона фойдаланишимиз зарур. Жумладан, саҳоват, меҳмондўстлик, ёшларга ғамхўрлик кексаларни иззатлаш - ўзбек халқи характерининг барча тан олган хусусиятларидир. Ҳар қандай миллатга ва унинг маданий, маънавий меросига ҳурмат, унга қардошларча муносабатда бўлиш, энг аввало, миллий ўзлигини англаш, ўз қадру қимматини тушуниш, миллат сифатида асрлар давомида тўпланган қадриятларни англай олиш ва уни кўрсата билиш билан боғлиқ. Баъзан, янги маросимларни ҳаётга татбиқ қилар эканмиз, диний қадриятлар ёрдамидан кўз юнамиз. Аслида эса, халқимизнинг бир-бирига қадрдон тутинишга ундайдиган, яхшини яхши деб, ёмонни ҳам ўз номи билан аташга ўрганган анъаналаримиз аксарият диний ақидалар, кўникмалар қобиғида ривожланиб келган. Ислом ва унинг қадриятларининг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халқлари маънавий маданияти камолоти учун қўшган ҳиссаси сезиларлидир. Мазкур хулосага бизни бутун ҳаёт ҳақиқати олиб келяпти. Бизнинг фикримизча, бугунги кундаги халқимиз маънавий ҳаётдаги кўплаб муаммоларни бартараф этишда илмий дунёқараш билан бир қаторда, янгидан-янги урф-одатларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан асослаб берадиган диний меъёрлар ҳам таъсир кўрсатмоқда. Зеро, Марказий Осиё мусулмонларининг тинчлик учун курашдаги фаолияти, кишиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ва жамиятни ҳам шу жиҳатдан соғломлаштириш, оила асосини мустаҳкамлаш, классик меросимиз дурдоналарини ўрганиш, табиий офат ва бахтсиз ҳодисалар туфайли жабр кўрганларга кўмаклашиш, ёлғиз ва ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ёрдам бериш, диний ва миллий қадриятлар ва муаммоларни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари янгича тафаккур мевасидир. Бундай маросимлар умуминсоний фазилатлар хазинасига ўзбек халқининг ислом ақидалари доирасида шаклланган қадриятлари бўлиб қўшилади. Халқимизнинг миллий ва ислом қадриятларига риоя қилиши бошқа қадриятларга бўлгани каби кишиларни сабот-матонатга, ўтмиш ахлоқ-одоб тамойилларига садоқатга, ҳаёт қийинчиликларини мардона, чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Мазкур қадриятлар асрий анъаналаримиз ва маданиятимизга, яшаш тарзи мушкулотларимиз ва гоҳо тушкунликка учраган психологиямизга боғлиқ бўлгани учун ҳам ҳаётимизга яқин, тушунарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаб, уни ўрганишга киришганлигимиз мустақиллик туфайли бошлаганлигини эътиборга олсак, хали буларни бутунлай ўзлаштириш учун кўп вақт ва куч лозимлигини эътироф этиш керак.

1-сон тиллар, педагогика ва
психология кафедраси, доценти

Аслонов А. С.